УДК 94 (575.1)

ЎЗБЕКИСТОНДА МОДДИЙ-МАДАНИЙ ЁДГОРЛИКЛАРНИНГ МУҲОФАЗА ҚИЛИНИШИ ТАРИХИДАН

Д.У.Юлдашева

Мақолада совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистондаги моддий-маданий ёдгорликларнинг аҳволи ҳамда уларнинг муҳофазага олиниши жараёнлари бирламчи манбалар ва тарихий адабиётлар ёрдамида таҳлил қилинган. Шу билан бирга, тарихий ёдгорликларни асраб-авайлаш борасида қабул қилинган декретлар, қарорларга биноан ашёвий манбалар ҳамда хазиналарнинг бошқа давлатларга ташиб кетилишига чек қўйилиши, музейлар фаолияти кенгайиши натижасида экспонатлар сонининг йилдан йилга ортиб бориши хронологик нуқтаи назардан тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: *моддий-маданий ёдгорликлар, музей, декрет, давлат мулки, вақф мулки, мадраса, масжид, экспозиция, санъат.*

В статье на основе архивных материалов и исторической литературы рассматривается состояние материально-культурных памятников Узбекистана в годы советской власти, а также процессы взятия их под государственную охрану. Кроме того, было хронологически изучено увеличение количества экспонатов, что является прямым следствием предотвращения утечки за рубеж в соответствии с указами и постановлениями о сохранении исторических памятников и расширением деятельности музеев.

Ключевые слова: *материально-культурные памятники, музей, декрет, государственное имущество, вакуфное имущество, медресе, мечеть, экспозиция, искусство.*

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Туркистон моддий-маданий ёдгорликларини сақлаш ва муҳофаза қилиш борасида кўплаб ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Бироқ октябрь ойида большевиклар томонидан Россияда амалга оширилган давлат тўнтариши бу жараёнга ўз таъсирини ўтказди. Шу йил 25-26 октябрида большевикларнинг Петроградда Бутунроссия Советларининг II съезди бўлиб ўтди. Унда В.И.Ленин бошлиқ совет ҳукумати – Халқ Комиссарлар Совети тузилди [13. Б. 303]. Шу билан бирга 1917 йил 27 октябрда Тошкентда бошланган қўзғолон натижасида мазкур йил 1 ноябрига келиб, Муваққат ҳукуматнинг Туркистон қўмитаси тўлалигича ағдарилди. Таъкидлаш ўринлики, шу йил 2 ноябрдаги РСФСР Халқ Комиссарлар Совети қабул қилган «Россия халқлари ҳуқуқлари Декларацияси» [8. Б. 16]да Россия халқларининг, шу жумладан, Туркистон ўлкаси маҳаллий аҳолисининг озодлиги, эрк ва ҳуқуқлари расман эътироф этилди. Бироқ амалда большевиклар ҳукуматининг улуғ давлатчилик сиёсати олиб борилди.

Шу йилнинг 15-22 ноябрь кунларида бўлган Туркистон ўлкаси ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советларининг III съезди большевистик ҳукумат (Колесов бошчилигида) – Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлар Советини сайлади [6. Б. 572]. Унинг таркибига 7 та большевик ва 8 та сўл эсер вакиллар киритилди. Бу таркибга бутун ўлка аҳолисининг 95 фоизини ташкил этувчи ерли миллат аҳолисидан бирорта ҳам вакил киритилмади. 22 ноябрда Халқ Комиссарлар Совети «Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига» деб номланган мурожаатнома қабул қилди. Унда шундай дейилган эди: «Сизнинг дин ва урф-одатларингиз, сизнинг миллий ва маданий муассасаларингиз бундан буён эркин ва дахлсиз деб эълон қилинади. Ўз миллий турмушингизни эркинлик билан ва баҳузур туза берингиз. Шундай қилишга ҳақлисиз. Билингизки, сизнинг ҳуқуқингиз ҳам Россиядаги барча халқларнинг ҳуқуқи каби ҳимоя қилинади». Таассуфки, амалда большевиклар ҳокимият тепасига келган дастлабки кунлардан бошлабоқ ўлка маҳаллий аҳолиси миллий ва маънавий қадриятларини топташга, йўқ қилишга астойдил ҳаракат қилди.

Совет даврининг дастлабки даврларида моддий-ашёвий буюмларга ва санъат асарларига бошчилик қилиш Маориф халқ комиссарлиги ҳузурида ташкил этилган музейлар, ўтмиш ёдгорликлари ва санъатни муҳофаза қилиш ишлари бўйича Бутуниттифоқ коллегияси зиммасига берилди. Бир оз фурсат ўтгач, 1918 йилнинг 1 майидан бошлаб мазкур коллегия барча музейлар фаолиятини бирлаштирувчи Маориф халқ комиссарлигининг музей бўлимига айлантирилди. Туркистон АССР Маориф халқ комиссарлиги ҳузурида ҳам айнан мазкур вазифани бажаришга доир бўлган бўлим

ва бўлинмалар ташкил қилинди. Моддий бойликларни давлат хазинасига ўтказиш борасида совет ҳукумати томонидан махсус декретлар чиқарилди. Хусусан, Советларнинг Бутунроссия II съездида қабул қилинган «Ер тўғрисида»ги декретга асосан 1917 йилнинг 26 октябридан бошлаб барча ерлар, шу жумладан, монастир, черков, вақф, маданий муассасаларга тегишли ерлар умумхалқ мулки деб эълон қилинди [11. Б. 34]. Декрет ўз навбатида ТАССР маҳаллий аҳолисининг маънавий-маданий ҳаётига ҳам таъсир ўтказди. Ана шу тариқа ўлкада илгари хайрия жамғармалари асосида тўпланган вақф мулклари ва шахслар ихтиёридаги моддий-ашёвий буюмлар ҳам национализация* қилинди.

Совет ҳукумати ўз ҳукмронлиги даврида ўлкадаги миллий маданиятни ва моддий-ашёвий бойликларни йўқ қилишга ҳамда динни чеклашга доир кураш олиб борди. Динга оид дастлабки чекловлар ҳамда совет давлати билан черковнинг ўзаро муносабати тамойиллари РСФСР Халқ Комиссарлар Советининг 1918 йил 23 январдаги «Черковни давлатдан ва мактабни черковдан ажратиш тўғрисида»ги декретида белгилаб берилди. Мазкур ҳужжат 13 моддадан иборат бўлиб, унда диннинг давлатдан ажратилиши таъкидланган эди [2. Б. 18]. Декрет эълон қилингандан сўнг асрлар давомида хайрия ҳисобидан сақланиб келинган кўплаб моддий-ашёвий буюмлар, ноёб санъат асарлари ва маданий муассасаларга тегишли хазиналар давлат ихтиёрига ўтказилди.

Ўз ўрнида декретнинг эълон қилиниши маҳаллий аҳоли диний ҳис-туйғуларини топташга кенг йўл очиб берди. Масалан, Тошкент Советининг ижроия қўмитаси Туркистон ўқув юртларининг бош инспекторига ўлканинг барча ўқув муассасаларида «диний ва ақоид предметлар ўқитишни тўхтатиш тўғрисида» [14] фармойиш беришни таклиф этди. Унга асосан барча мактаблар черковдан ажратилди. Ҳатто хусусий ўқув юртларида ҳам диний таълимотларни ўқитиш ва уларда таълим олиш тақиқлаб қўйилди. Мактабларда дин ўқитиш учун барча кредитлар ёпиб қўйилди ва диний таълимотдан дарс берувчи ўқитувчилар ҳар қандай таъминотдан маҳрум қилинди. Барча динларга мансуб ўқув юртларининг бинолари халқ мулки сифатида маҳаллий советларнинг ёки Маориф халқ комиссарлигининг ихтиёрига ўтди [15]. Шу билан бирга миллий-маданий ҳамда маърифий ташкилотлар мулкларини давлат ихтиёрига ўтказиш ишлари кескин равишда авж олди. Хусусан, Туркистон Халқ Комиссарлар Совети (ХКС) нинг 1918 йил 19 апрелдаги буйруғига асосан князь Николай Константинович Романовнинг Тошкентдаги тураржой мажмуалари давлат мулкига айлантирилди, унинг уйида Туркистон халқ университети музейига асос солинди [3. Б. 418]. Музей ташкил қилинган даврдан бошлабоқ бу ерда тасвирий санъат ҳамда адабиёт намуналари, монументал асарлар, чиннидан ясалган буюмлар мавжуд бўлган. 1918 йил 1 июлидан бошлаб илгари Халқ кутубхонасининг бир қисми сифатида фаолият юритган музей бевосита Туркистон халқ университетининг ташаббуси билан мустақил муассаса сифатида иш бошлади. Музей ишларини ривожлантиришда Н.А.Зарудний, А.А.Диваев, К.Ф.Федоровлар фаол қатнашди. Мазкур музей фаоллари шу йил август ойида экспонатларни тизимлаштирдилар ва сентябрь ойидан Туркистон халқ музейи иш бошлади. Янги ташкил қилинган музейга биринчи марта орнитолог (паррандашунос) Н.А.Зарудний мудир этиб тайинланди. ТАССР Маориф халқ комиссарлиги тасарруфига берилган мазкур музей дастлабки даврларда халқ университети, 1920 йилдан эса давлат университети таркибида бўлди.

Алоҳида таъкид жоизки, юқорида эълон қилинган декретларга кўра, маданий ёдгорликларнинг ҳам бир қисми давлат муҳофазасига олинди, бироқ аксарият ҳолларда улар халқ қўлида номигагина ушлаб турилди, холос. Бир оз вақт ўтгач, совет ҳукумати томонидан маданий ёдгорликларни асраш ва муҳофаза қилиш бўйича халқларга мурожаатномалар, махсус декретлар яна эълон қилинди. Мазкур ҳужжатларда маданий хазиналарни айнан халқларга тегишли эканлиги таъкидланди. Жумладан, 1918 йил 5 октябрда РСФСР Халқ Комиссарлар Совети «Айрим шахслар, жамият ва муассасалар ихтиёридаги санъат ва қадимги ёдгорликлар рўйхатини тузиш, уларни ҳисобга олиш ва қўриқлаш ҳақида»ги декрет чиқарди. Мазкур декретга мувофиқ барча маданий-тарихий ёдгорликлар кимга тегишли бўлишидан қатъи назар давлат муҳофазасига олинди.

Айнан шу йилда РСФСР «Музей ишлари, қадимги ёдгорликлар, санъат ва табиатни муҳофаза қилиш Бош қўмитаси» ташкил этилди. Қўмитанинг асосий вазифаси маданий ва тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилиш, санъат асарларини сақлашдан иборат эди. Бундай саъй-ҳаракатлар Туркистон ўлкасида ҳам ўзига хос тарзда олиб борилди. Айнан шу йилда тарихий ва маданий меросни тадқиқ этиш мақсадида Тошкентда Туркистон Шарқ институти очилди. 1918 йил 8 ноябрда ТАССР Маориф халқ комиссарлиги эса бу ҳақида Низом ишлаб чиқиб, тасдиқлади [4. Б. 34]. Институтда асосан тарихчилар, археологлар, этнографлар ва филологлар фаолият кўрсатди.

Туркистонда тарихий ва маданий ёдгорликларга раҳбарлик қилувчи ташкилотни тузиш тўғрисидаги масала даставвал 1919 йилда РСФСР Маориф халқ комиссарлигининг «Музей ишлари ва қадимий ёдгорликларни сақлаш» бўлими маж-

лисида кўриб чиқилди ва унда Туркистонда маҳаллий бўлим ташкил этишга келишилди. 1919 йилнинг бошида Самарқанд вилояти Маориф халқ комиссарлиги ҳузурида ўлкашунослар ва рассомларнинг бевосита ташаббуси билан махсус Археологик комиссия тузилди ҳамда бу ерда ёдгорликларни сақлаш, муҳофаза қилиш тадбирлари бошланди.

Қадимий-маданий ёдгорликларни излаш ва уларни топиш ишларида археологларнинг ўрни каттадир. Жумладан, археолог М.Е.Массон, рассом М.В.Столяров ҳамда В.Л.Вяткин иштирокида ташкил этилган Афросиёбдаги қазишма ишлари самара бериб, ноёб ёдгорликларнинг топилишига сабаб бўлди. Бу ердаги дала ишлари 1919 йил 29 августда якунланиб, бир неча қутига жойлашган ўймакор ёғочлар намунаси Самарқанд музейига олиб келинди. XII аср ёдгорлиги Тамғочхон Иброҳим саройига тегишли бўлган ёдгорликлар катта шов-шувга сабаб бўлди. Манбалардан маълум бўлишича, совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида ёдгорликларни сақлаш ва муҳофаза қилишга доир бир қатор тадбирлар амалга оширилди.

Маданий ёдгорликларни сақлаш ишида муҳим ўрин тутган Туркистон халқ музейининг низоми ва дастури 1919 йилнинг 29 августида тасдиқланди. Музей ўлканинг марказий илмий-оқартув муассасаси сифатида иш бошлаб, у маҳаллий аҳолининг тарихий билимларини шакллантиришда муҳим ўринга эга бўлди. Мазкур муассасанинг экспозицияларидан тарих, этнография ҳамда маданиятга доир материаллар ўрин олди. Музей экспозицияларидан ташқари, бу ерда кўчма кўргазмалар ва музей аквариумлари, ботаника ва ҳайвонот боғлари мавжуд бўлган. Музей учун зарурий бўлган намуналарни тўплаш, муайян мавзу юзасидан илмий экспедициялар уюштириш, турли мазмундаги экскурсиялар ташкил қилиш асосий ишга айланди. Аста-секин мазкур тадбирлар Ўрта Осиё давлатлари бўйлаб амалга оширилди, археологик қазишмалар даврида топилган моддий-ашёвий буюмлар музейга топширилди. Тарихий ва илмий асарларни умумлаштириш иши мазкур муассасалар олдига вазифа қилиб қўйилди. Бу ердаги ишларни музей бўлими раҳбарлигидаги бўлим бошлиқларидан иборат коллегия бошқарди, 1919 йилда музейда 8 нафар илмий ходим ва 11 нафар хизматчилар фаолият юритди [16].

Туркистон халқ музейи ўлкашунослик характерига эга бўлиб, унда тарих бўлими (география ва нумизматика бўлинмаси кирарди), этнография, антропология ва ботаника бўлими, шунингдек, геология, саноат ҳамда бадиий бўлимлар ҳам мавжуд эди [17]. Ҳар бир бўлимга тегишли вазифалар юклатилиб, улар доимий тарзда амалга оширилиб келинди. Хусусан, асосий бўлим ҳисобланган тарих бўлими зиммасига Туркистон, қолаверса, Ўрта Осиё тарихига оид ёзма маълумотларни ҳамда қадимий ёдгорликларнинг тасвирларини жамлаш вазифаси қўйилди. Музейда шу билан бирга дин ҳамда маданият соҳаларини ўрганишда қимматбаҳо манбалар, яъни нумизматик буюм (танга)ларни тўплашга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

1919 йилда музей ходимлари жойлардаги барча муассасаларни назорат қилиш ҳамда икки нусхадан иборат экспонатларни Туркистон халқ музейига олиб келиш мақсадида Самарқанд вилоятига ташриф буюрди. Бу ердан эса тарихий мис тангалар олиниб, мазкур музейга тақдим этилди. Шу йил февраль ойида собиқ Туркистон генерал-губернаторлиги қароргоҳи музейга берилди ва ундан янги экспозициялар, коллекциялар ўрин олди. Унда зоология, этнография, археология ва нумизматика каби бўлимлар фаолияти йўлга қўйилди. 1920 йилда Туркистон халқ музейи жамғармасидаги экспонатлар сони анча кўпайди. Хусусан, шу йил "музей жамғармасида қарийб 10 минг экспонат бор эди, шундан этнография бўлимида – 895, зоология бўлимида – 798, нумизматика бўлимида – 2464, археология бўлимида – 3550, ботаника бўлимида – 66, ҳарбий-тарихий бўлимда – 958, бадиий бўлимда – 31, геология бўлимида – 250 нафар экспонат мавжуд эди" [9. Б. 28].

1919 йил 11 ноябрда ТАССР Марказий Ижроия Қўмитаси Совети қадимий ёдгорликлар ва санъат асарларини сақлаш ва ўрганиш мақсадида "Қадимий ёдгорликлар ва санъатни муҳофаза этиш тўғрисида" [5. Б. 23] махсус декрет чиқарди. Унга кўра, барча ҳужжатли ва ашёвий буюмлар, тарихий ва санъат ёдгорликлари кимда бўлишидан қатъи назар, зудлик билан уларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда тузиш, ҳисобга олишни ташкил қилиш зарурий эканлиги белгилаб қўйилди. Шунингдек, "Музей ишлари, санъат ва қадимий ёдгорликларни муҳофаза қилиш коллегияси" рухсатисиз мавжуд ёдгорликларни бир жойдан бошқа жойга кўчириш, уларни таъмирлаш ва тузатиш ишлари тақиқланди.

1920 йил 31 июлда юқоридаги декретга (1918 йил 5 октябрь) мувофиқ тарзда ТАССР ХКС томонидан "Туркистон Республикасидаги айрим шахслар ва жамиятлар ихтиёрида бўлган санъат асарлари ва қадимги ёдгорликларни рўйхатдан ўтказиш, ҳисобга олиш ҳамда қўриқлаш тўғрисида"ги махсус қарор қабул қилинди. Қарорга кўра, музейлардаги расмийлаштириш ва ҳисобга олиш тартиби махсус йўриқнома асосида жорий этиладиган бўлди. Шунингдек, қайта рўйхат ўтказилгандан кейин ташкилот ҳисобида қолдирилган мажмуа ҳолидаги ва алоҳида санъат ёдгорликлари давлат назоратига ўтказилди. Айрим шахсларга тегишли

бўлган маданий ёдгорликларни рўйхатга олишга катта эътибор қаратилиб, уларга махсус муҳофаза ёрлиқлари берилган [18].

Туркистондаги ноёб архитектура иншоотлари – мадраса ва масжидларга тегишли вақф мулкларини давлат ихтиёрига ўтказиш тадбирлари астасекин сусайди. Масалан, Туркистон АССР Советларининг X съезди (1921 йил) ер сиёсати ҳақидаги қароридан мадраса ва масжидларга тегишли вақф масаласи ҳам ўрин олганди. Унда вақф мулкининг икки шакли белгилаб берилди. Жумладан, масжид ва мозорларга қарашли диний аҳамиятга молик вақф мулклари; мадраса, мактаб ва бошқа маданий муассасаларга тегишли маданий-маърифий аҳамиятли вақфлардан иборат бўлди [18]. Мазкур съездда диний мақсадлардаги вақф ерларини умумдавлат жамғармасига олишдан воз кечишга қарор қилинди.

1921 йил 20 апрелда ТАССР Маориф халқ комиссарлиги ягона давлат музейлари тармоғини тузиш ва музей қурилишига раҳбарлик қилишни янада марказлаштириш учун “Музей ишлари, санъат ва табиат ёдгорликларини муҳофаза қилиш Бош қўмитаси – “Главмузей” тўғрисидаги Низом” [19]ни тасдиқлади. Мазкур музей зиммасига характери ҳамда аҳамияти қандай бўлишидан қатъи назар, РСФСР ҳудудидаги барча музейлар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда йўналтириш вазифалари юклатилди. Ўз навбатида, мазкур музейга ўлкадаги барча музейлар фаолиятини текшириш ва йўналишлар бериш ваколати ҳам берилди.

1925 йилда Ўрта Осиё миллий-ҳудудий давлат чегараланишининг ўтказилиши ҳамда Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши муносабати билан “Туркомстарис” ташкилоти шу йилнинг 16 январидан бошлаб Музей ишлари, қадимги ёдгорликлар, санъат ва табиат обидаларини муҳофаза қилиш бўйича Ўрта Осиё қўмитаси – “Средазкомстарис” сифатида ўзгартирилди. Янги мақом олган қўмитанинг асосий вазифаси конструктив-мустаҳкамлаш ишлари олиб борилиши муҳим бўлган тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилишдан иборат бўлди. Шунингдек, музей қурилиши ва ҳар бир музейнинг ички тузилиши, уларнинг ихтисосини аниқлаш, музейларни қайта ташкил қилиш ишларига ҳам қўмита етакчилик қилди.

1928 йилда Тошкентда Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти ташкил этилиб, у умумий халқ санъати қаторида меъморчилик тарихи масалалари билан ҳам шуғулланди. Жумладан, Айритом ёдгорлигида ҳайкалтарошлик намуналарининг топилиши, Хоразм ва Бухородаги археологик янгиликлар ўзбек меъморчилиги тарихида алоҳида эътиборга молик бўлди. 1930 – 1940 йиллар мобайнида Л.Воронин, Б.Засипкин, Л.Рempель, Б.Бакланов, В.Воронина, Г.Гаганов ва бошқа этнограф, археолог ҳамда санъатшунос олимлар томонидан Ўрта Осиё меъморчилиги ва обидалар тарихи бўйича махсус изланишлар олиб борилди. 1938 – 1939 йилларда Фарғона водийсидаги меъморчилик ёдгорликлари архитектор В.Л.Воронина ҳамда этнограф А.К.Писарчиклар томонидан ўрганилди [1. Б. 18]. Шу билан бирга, мазкур масала археологлар И.Аҳроров, Н.Г.Горбунова, Ю.А.Заднепровскийнинг илмий тадқиқотларидан алоҳида ўрин олди. Айнан шу даврда муҳофаза рўйхатида бўлган водийнинг турли туманларида жойлашган XVI – XIX аср Фарғона меъморчилик санъатига доир юздан ортиқ ёдгорликлар қайд қилинган.

Меъморчилик ёдгорликларини кенг кўламда ўрганиш 1950-йиллардан бошланди. Хусусан, Тупроққалъа, Варахша, Афросиёб, Қува, Холчаён, Далварзинтепа каби археологик ёдгорликларнинг ўрганилиши натажасида қадимги меъморчилик ва ҳайкалтарошлик санъатининг ноёб намуналари фанга маълум бўлди.

1960-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб Самарқанд шаҳридаги қадимий ва тарихий ёдгорликларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, Ўзбекистон КП МҚ ва ЎзССР Министрлар Совети томонидан 1966 йил 13 июлда “Қадимий Афросиёб шаҳрини келгусида ҳам тарихий-археологик жиҳатдан тадқиқ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги махсус қарор қабул қилинди [21]. Мазкур қарорга кўра, шаҳарча ҳудуди давлат археологик қазилмалари макони сифатида эълон қилиниб, уни тегишли тарзда сақлаш ва муҳофаза қилиш ҳамда шаҳарчани атрофлича ўрганиш бўйича махсус тадбирлар амалга оширилди. Шу билан бир қаторда қарорнинг қабул қилиниши, биринчи навбатда, шаҳардаги археология ёдгорликларини ҳар томонлама тадқиқ этишга ва Ўрта Осиёнинг энг йирик цивилизация марказларидан бири ҳисобланган Афросиёбни тарихий-археологик жиҳатдан ўрганишга туртки берди.

1967 йил 27 мартда ЎзССР Министрлар Советининг қарори билан “Ўзбекистон ССР тарихий ва моддий маданият ёдгорликларини сақлаш жамияти” ташкил қилинди. Бу жамият маълум маънода республикадаги мавжуд ёдгорликларни сақлаш ва уларни тузатиш ишларини йўлга қўйишни мақсад қилиб олди. 1969 йилнинг 1 январидаги ҳолатга кўра, Ўзбекистонда жамиятнинг 8000 мингга яқин бошланғич ташкилотлари тузилди, унинг ходимлари ҳамда аъзолари қадимий шаҳарлар ҳисобланган Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Қашқадарё ва Андижон вилоятларига ташриф буюриб, жойлардаги маҳаллий маданият бўлимларига кўмак берди.

1967 йил 30 ноябрдаги Ўзбекистон КП МҚ ва ЎзССР Министрлар Советининг “Хива шаҳрида

тарихий-архитектура ёдгорликларини сақлаш, ободонлаштириш, лойиҳалаш ва қурилиш тўғрисида”ги қабул қилинган қарорга мувофиқ “Ичан қалъа” Хива давлат меъморий қўриқхонаси дея эътироф этилди. Шу билан бирга, Ичанқалъадаги тарихий ҳамда бадиий аҳамиятга молик бўлган архитектура ёдгорликларини тизимли тарзда муҳофаза қилиш, сақлаш ҳамда таъмирлаш ишларини йўлга қўйиш босқичма-босқич равишда амалга оширилди. 1969 йилда эса Хоразм вилоят тарих музейи ва “Ичан қалъа” қўриқхона-музейи ташкил этилиб, унинг вазифаларига илмий-тадқиқот, илмий-маърифат муассасаси ҳамда давлат тарихий, санъат, адабий ва бадиий ёдгорликларни сақлаш ва муҳофаза қилиш кабилар киритилди. Қўриқхонанинг ташкил этилиши, ўз навбатида, меъморий ёдгорликларни мукаммал ҳолда ўрганиш, Ичан қалъадаги тураржойларни тадқиқ қилиш ишларининг бошланишига сезиларли даражада туртки берди.

1968 йил 14 майда Ўзбекистон КП МҚ ва ЎзССР Министрлар Совети томонидан “Бухоро шаҳри аҳолисига маданий-маиший хизмат кўрсатишни ва шаҳардаги тарихий-архитектура ёдгорликларини сақлашни янада яхшилаш чоралари тўғрисида”ги қарор қабул қилинди. Мазкур қарорга асосан тарихий аҳамиятга эга бўлган нодир ёдгорликларни атрофлича тадқиқ этиш, сақлаш ва қайта таъмирлаш-тиклаш масалаларини ҳал этиш асосий вазифа сифатида белгиланди ҳамда ЎзССР давлат қурилиши қўмитаси зиммасига Бухоро шаҳрининг бош режасида барпо қилинадиган шаҳарни модернизация қилиш ва қадимий архитектура ёдгорликларини ҳисобга олиш вазифаси топширилди. Бухородаги ноёб архитектура бинолари – Абдулазизхон ҳамда Нодир девонбеги мадрасаларининг эпиграфик орнаментлари, хусусан, мазкур мадрасалар бинолари ҳайвонлар сиймолари – афсонавий қуш, буғу, аждарҳо расмлари билан безатилган. Ушбу маданий бинолар, асосан, тўртбурчак ва квадрат шаклида қад ростлади, темурийлар даври шаҳар меъморчилигида ўзига хос янги «кундаль» йўналиши шаклланди [10. P. 84]. Таъкидлаш жоизки, юқорида қайд этилган қарорга кўра Бухоро шаҳридаги монументал архитектура ёдгорликларига тааллуқли бўлган тим ва тоқиларни тузатиш ишлари ҳам белгиланганди. Уларнинг аксарияти XVI асрда барпо этилган бўлиб, улар шаҳар марказида, асосан карвон йўллари чорраҳаларида қурилган. Бухорода энг йирик савдо иншоотларидан тўрттаси, яъни Тоқи Заргарон, Тоқи Телпакфурушон, Тоқи Саррафон ва Абдуллахон тими сақланиб қолган [7. Б. 2]. Айтиб ўтиш керакки, тоқи атамаси “арк” ва “гумбаз” маъносида ҳамда гумбаз томли йирик бозор бинолари учун ҳам ишлатилган. Улар, асосан, савдо-сотиқ учун ихтисослаштирилиб, катта йўлларни архитектура жиҳатдан уйғунлаштирган.

1968 йилнинг 15 майида ЎзССР Олий Советининг 3-сессиясида “Маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун қабул қилиниб, унга кўра маданият ва тарихий ёдгорликларни сақлашни йўлга қўйиш ҳамда уларни тизимли равишда муҳофаза қилиш чоралари белгиланди. Шу билан бирга, мазкур қонунни республиканинг барча вилоятлари қаторида тарихий Самарқанд вилоятидаги бажарилиш ҳолатини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, айнан шу йилда Самарқандда умумиттифоқ аҳамиятига эга бўлган 54 та ёдгорлик (шу жумладан, 23 та меъморий ёдгорлик, 30 та археология ёдгорлиги ва 1 та санъат ёдгорлиги) ҳамда маҳаллий аҳамиятга эга бўлган 694 та ёдгорлик давлат муҳофазасига олинди [12].

Самарқанд вилояти туманларида маданият ёдгорликларини топиш ва аниқлаш мақсадида Ўзбекистон тарихий ва маданий ёдгорликларини сақлаш жамиятининг бўлимлари ташкил этилди. 1968 йилда меҳнаткашлар депутатлари Самарқанд вилоят ва шаҳар советларининг ижроия қўмиталари, республика Маданият вазирлиги ҳамда унинг Ёдгорликлар ва тасвирий санъатни сақлаш бош бошқармаси томонидан Шердор, Улуғбек, Тиллакори мадрасалари, Шоҳизинда, Гўри Амир мақбаралари каби дунёга машҳур ёдгорликларни тадқиқ этиш ва уларни тузатиш ишлари борасида тадбирлар ўтказилди. ЎзССР ФА Тарих ва археология институти, Республика Маданият вазирлигининг Санъатшунослик институти, ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ) ва СамДУ илмий ходимларидан иборат бўлган комплекс экспедиция айнан шу даврда ЮНЕСКО ҳисобида бўлган ва давлат археология ёдгорликлари қўриқхонаси деб эълон қилинган Афросиёб шаҳарчасини текшириш ишларини ўтказди. Шунингдек, Тимдаги Аработа мақбараси, Девори қиёмат, Кумушконтепа шаҳарчаси атрофлича ўрганилди. Ушбу амалга оширилган тадбирларга Москва, Тошкент ва Самарқанддаги бир қатор маданий муассасаларнинг мутахассислари жалб этилди.

Самарқанд шаҳрида маданият ёдгорликларини қайта таъмирлаш ишлари ва бузилишдан сақлаш ишларига 1968 йилнинг ўн ойи мобайнида 428 минг рубль маблағ ажратилди, яъни шу мақсадлар учун ажратилган жами маблағларнинг 80 фоизи сарфланди. Ўзбекистон тарихий ва маданий ёдгорликларини сақлаш жамиятининг бўлимлари томонидан 1968 йил ҳамда 1969 йилда янгидан яна 65 та меъморий ва тарихий ёдгорликлар аниқланиб, ҳисобга олинди. Вилоятда экскурсия бюросининг тузилиши, ўз навбатида, маданий ёдгорликларни кўрувчилар сонининг ортишига таъ-

сир кўрсатди. Масалан, бюро томонидан қилинган ишлар натижасида фақат 1968 йили ва 1969 йилнинг ўтган ўн ойи давомида маданият ёдгорликларини 150 мингга яқин киши, шу жумладан, хорижий давлатлардан 22 минг сайёҳ келиб кўрган.

1970 йил 15 январда ЎзКП МҚ ва ЎзССР Министрлар Совети "Республикада ҳайкалтарошлик санъатининг ҳолати ва унинг келгусидаги ривожи бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорни қабул қилди. Ушбу қарор қабул қилингач, республика ёдгорликларини муҳофаза қилиш вилоят жамиятлари раислари, шаҳар ва туман совети жамиятлари мутасаддилигида жойларда ёдгорликларнинг ҳолати аниқланди ва уларни ҳудудий жиҳатдан қайта кўздан кечирилди. Бунинг натижасида эса барча тарихий-инқилобий санъат ёдгорликларининг ҳисобга олинганлиги, аксарият ёдгорликлар раҳбар ташкилотларга бириктириб қўйилганлиги, ҳар бир ёдгорлик бўйича тегишли тадбирлар (ободонлаштириш ва майда таъмирлаш ишлари) ўтказишнинг амалий жиҳатдан бажарилганлиги маълум бўлди. Бироқ ободонлаштириш ва ёдгорликларни қайта таъмирлаш тадбирлари республиканинг барча вилоятларида тўлақонли равишда амалга оширилмади. Масалан, алоҳида ёдгорликлар жойлашган ҳудудлар – Қува, Охунбобоев, Боғдод ва Фарғона туманларида ободонлаштириш ишлари ўтказилмаган ва тарғибот-ташвиқот тадбирлари амалга оширилмаган. Шу билан бирга, Қўқон шаҳри ва Риштон туманларида ёдгорликларни жадаллаштириш ва уларни тузатишга у қадар эътибор қаратилмаган.

1970 йил бошида республика ҳудудида 400 дан ортиқ ноёб архитектура ёдгорликлари мавжудлиги аниқланди. Совет ҳокимияти йилларида 200 дан зиёд тарихий-инқилобий ёдгорликлар барпо этилди. Республикадаги ноёб архитектура ёдгорликларидан Самарқанддаги Гўри Амир мақбараси, Бибихоним жоме масжиди, Регистон ансамбли, Шоҳизинда ансамбли, Бухоро шаҳридаги Калон ансамбли каби қатор архитектура ёдгорликлари ЮНЕСКО халқаро ташкилоти томонидан ҳисобга олинган [22. Б. 14].

1970 йилда академик Я.Ғуломов бошлаган илмий ишларнинг самарадорлиги ортгани натижасида Самарқандда янги ЎзФА Археология институти очилди. Бу воқеа нафақат Самарқанд шаҳрида, умуман, республика ҳудудида археологик ишларнинг кенгайишига, илмий тадқиқот ишларининг ривожланишига таъсир кўрсатди. Натижада кўпгина вилоятларда археологик ёдгорликларнинг кенг планографик усулда очилишига, очилган майдонларнинг тўла ва яхлит ўрганилишига, шулар асосида обидаларни қадимги кўринишдаги уй-жойлар, кўчалар, маҳаллалар, ҳунармандчилик марказлари ва қолдиқлари сифатида тўла ҳолда ўрганиш имконияти пайдо бўлди. Бунинг самараси ўлароқ очилган майдонлардаги иншоотларни сақлаб қолиб, очиқ ҳаводаги археологик қўриқхона – музейларга айлантириш муаммоси кўтарилди. Илмий тадқиқот мавзуларининг шу асосда кенгайиши 1971 йилда лабораторияни ЎзФА Археология институтининг махсус "Тарихий ёдгорликларни кимёвий-технологик тадқиқ этиш ва таъмирлаш" бўлимига айлантиришга олиб келди. Бу бўлимнинг асосий вазифалари қаторида лойдан ясалган хом ғишт, гувалак ва гувалаксимон шаклдаги ашёлардан қурилган иншоотларни сақлаш усулларининг яратилиши асосий йўналишлардан бири бўлди.

1972 йил 23 августдаги ЎзКП МҚнинг "Республикада ҳайкалтарошлик санъатининг тараққиёти тўғрисида"ги [21] қарорига асосан республикада ҳайкалтарошлик тараққиёти ва мазкур санъатнинг истиқболдаги ривожи ҳамда вилоятларда жойлашган монументал санъат намуналарини муҳофаза қилиш, ёдгорликларни сақлаш масалаларига тегишлича эътибор қаратилди. Шу билан бирга табиат ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш бўйича доимий комиссияси республика ёдгорликларни сақлаш жамияти билан ҳамкорликда ҳайкалтарошлик асарларини қайта таъмирлаш ишларини йўлга қўйди. Мазкур ўтказилган тадбирлар ўз ўрнида шаҳар ва туманлардаги монументал санъат иншоотларини ҳисобга олиш имконини берди ҳамда ушбу санъат асарлари жойлардаги ташкилотлар томонидан оталиққа олинди. Монументал санъат асарларини тарғиб қилиш мақсадида ёдгорликларни муҳофаза қилиш жамияти томонидан серияли иллюстратив плакатлар ва 20 минг донадан ортиқ варақалар чиқарилди. Юқоридаги қарорнинг ижроси республиканинг барча вилоятларида қониқарли тарзда бажарилмади. Хусусан, Фарғона вилоятининг Олтиариқ тумани ва Фарғона шаҳарларидаги ҳайкалтарошлик-декоратив санъат асарлари рўйхатга олинмаган. Жойларда янги ёдгорликларни барпо этиш ишларига у қадар жиддий эътибор қаратилмаган. Жумладан, Охунбобоев туманида охирги уч йил давомида бирорта ҳам ёдгорлик қурилмаган (бу ерда 32 та ёдгорлик мавжуд бўлиб, улардан 15 таси 1940 йил ҳамда 1950-йилларда бунёд этилган).

1973 йили ЎзССР Министрлар Совети республикада маданий меросни муҳофаза қилиш, таъмирлаш ҳамда тузатиш ишларини яхшилашни йўлга қўйиш мақсадида 10 нафар қадимий шаҳарнинг рўйхатини тасдиқлади ва уларни муҳофаза этиш зарурлигини таъкидлаб ўтди. Мазкур рўйхатда Қўқон шаҳридаги нодир меъморчилик ансамбллари ва монументал ёдгорликлари муҳофазасига ҳам эътибор қаратилиши белгилаб

қўйилди. Дастлаб Фарғона водийсида Андижон, Наманган ва Қўқоннинг XIX асрга оид атиги бир неча машҳур меъморчилик обидалари давлат муҳофазасига олинган бўлса, бир оз вақт ўтгач, муҳофаза рўйхатида водийнинг турли туманларида жойлашган ҳамда бевосита XVI – XIX асрлардаги Фарғона меъморчилик санъатига доир 100 дан ортиқ ёдгорликлар қайд қилинган. Шу билан бирга, 1973 йилнинг 21 декабрида Фарғона вилоятидаги 81 та маданият ёдгорлиги давлат муҳофазасига олинди. Улардан 7 таси меъморий ёдгорлик, 8 таси тарихий-бадиий ёдгорлик, 66 таси археологик ёдгорликлардан иборат эди. Бу ердаги архитектура обидаларининг энг қадимийлари – Камолқози мадрасаси (1847 й.), Миён хазрат мадрасаси (1861 й.), Норбўтабий мадрасаси (1799 й.), Жоме масжиди (XVIII аср), Дахмаи Шоҳона (XIX аср) ҳамда Модарихон (XIX аср) тураржойлари ва Худоёрхон ўрдаси (1873 й.) ҳисобланиб, мазкур ноёб архитектура иншоотлари давлат муҳофазасига олинганидан сўнг уларда қайта таъмирлаш ҳамда тузатиш ишлари олиб борилди.

Таъкидлаш ўринлики, 1975 йил февралида ЎзКП МҚ томонидан “Ўзбекистондаги архитектура, тарихий-бадиий ва меъморий ёдгорликларни қўриқлаш, таъмирлаш, тарғиб қилишни янада яхшилаш ҳамда аҳолини тарбиялашда улардан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги махсус қарор қабул қилинди. Ушбу қарорга мувофиқ республикадаги моддий маданият ёдгорликларини, хусусан, археологик обидаларни таъмирлаш-тузатиш ҳамда тарихий обидаларни асраб-авайлаш вазифаси белгиланди. Қарор қабул қилингандан сўнг республика бўйича археологик ёдгорликларни таъмирлаш ва тузатиш ишлари олиб борилди, жойларда вайрон бўлган маданият обидаларини аввалги ҳолатига келтириш мақсадида кенг кўламли қайта таъмирлаш тадбирлари амалга оширилди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ўзбекистон ССРда моддий-маданий ёдгорликларни сақлаш ва уларни муҳофазага олиш ишлари Маориф халқ комиссарлиги томонидан амалга оширилди. Маданий ёдгорликларни давлат ихтиёрига ўтказиш тўғрисида турли хил мазмундаги декретларнинг эълон қилиниши натижасида илгари хусусий мулкдорлар қўлида бўлган моддий-ашёвий буюмлар давлат ихтиёрига ўтказилди. Бу эса, ўз навбатида, совет ҳукуматининг ўзбек миллий маданиятини чеклашга доир амалга оширган сиёсати негизида амалга оширилди.

Адабиётлар

1. *Азимов И.* Фарғона водийсининг архитектура ёдгорликлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1986. – 420 б.

2. *Адҳамов О.* Дин ҳам шўролар ҳукумати. – Самарқанд-Тошкент: Ўздавнашр, 1929. -342 б.

3. Культурное строительство в Туркестанской АССР (1917 – 1924). Сборник документов. Т. 1. – Ташкент: Узбекистан, 1973. – 766 с.

4. *Мирзаев М.А.* Ўзбекистонда тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза этиш ва ўрганиш ишининг ташкил топиши ва ривожланиши (1917 – 1941 йй.): Тарих фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1994. – 145 б.

5. *Нечкин Д.И.* Задачи и ближайшие цели Комитета по делам музеев и охраны памятников старины, искусства и природы в Средней Азии // Известия Средазкомстариса. – Тошкент, 1926. – № Вып.1. – 123 с.

6. Победа Октябрской революции в Узбекистане: Сборник документов. – Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1963. Т. 1. – 768 с.

7. *Пугаченкова Г.* Тим ва тоқилар. Бухоронинг архитектура ёдгорликлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1965. – 23 б.

8. *Ражабов С.* Ўзбекистонда совет мактаби тарихига доир. – Тошкент: Ўқувпеддавнашр, 1957. – 146 б.

9. *Содиқова Н.С., Буряков Ю.Ф.* Тарихий ёдгорликлар хазинаси. – Тошкент: Фан, 1976. – 231 б.

10. *Sultanova D.* Epigrafical Ornaments in Architecture of Uzbekistan // International Journal of Scientific & Technology Research. – Massachusetts, Volume 4. Issue 07. July 2015. - pp. 84 – 85.

11. Съезды Советов (в документах). Сборник документов в 3-х томах. 1917 – 1936 гг. Т. 1. – Москва: Госюрлитиздат, 1959. – 765 с.

12. Фарғона вилоят давлат архиви, 1160-жамғарма, 1-рўйхат, 5-йиғма жилд, 113-варақ.

13.Ўзбекистон тарихи. Р.Ҳ.Муртазаева умумий таҳрири остида.-Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. – 543 б.

14. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви (ЎзР МДА), Р. 34-жамғарма, 1-рўйхат,122-йиғма жилд, 1-варақ.

15. ЎзР МДА, Р. 34-жамғарма, 1-рўйхат, 41-йиғма жилд, 123-варақ.

16. ЎзР МДА, Р. 396-жамғарма, 1-рўйхат, 18-йиғма жилд, 6-варақ.

17. ЎзР МДА, Р. 396-жамғарма, 1-рўйхат, 12-йиғма жилд, 9-варақ.

18. ЎзР МДА, Р. 394-жамғарма, 1-рўйхат, 13-йиғма жилд, 18-варақ орқаси.

19. ЎзР МДА Р. 34-жамғарма, 1-рўйхат, 2723-йиғма жилд, 7-варақ.

20. ЎзР МДА, Р. 396-жамғарма, 1-рўйхат, 19-йиғма жилд, 38-варақ.

21. ЎзР МДА, Р. 2296-жамғарма, 7-рўйхат, 530-йиғма жилд, 33-варақ.

22. *Қори-Ниёзий Т.Н.* Ўзбекистон ССР моддий маданият ёдгорликларини сақлаш ва ўрганиш. – Тошкент: Фан, 1971. – 304 б.

FROM THE HISTORY OF PROTECTION OF MATERIAL AND CULTURAL MONUMENTS IN UZBEKISTAN

D. U. Yuldasheva[1]

Ilmiy xabarnoma. Научный вестник – 2019. №2. 34–42.
[1]Andijan State University, Andijan, 170100, str. University, 129 (Uzbekistan). E-mail: agsu_info@edu.uz

Key words: *material culture memorials, museum, decree, state property, waqf property, madrasah, mosque, exposition, art.*

All residents know that, spiritual culture and cultural memorials, their preservation, protection, and taking care of them occupy an important position in the life of the society. It should be pointed out that during the former Union the architecture and art of Uzbekistan was under the influence of alien ideas and they were formed through the frame which contradicted Uzbek national traditions. That period was responsible for the prohibition of great cultural heritage, spiritual wealth and customs that had been shaping over many centuries in order to break the national pride of the nation.

From the first years of the soviet government, there began a strict fight against religion, religious ideology and the pious men. The relationship between soviet government and the church was pointed out in the decree of RSFSR NKS of January 23 1918 «On separation the church from the government and the school from the church». The decree consisted of 13 articles that stated to separate the government from the church. After the announcement of the decree, the executive committee of Tashkent soviet made a suggestion to the head inspector of the educational institutions of Turkistan to sign a decree on "to stop teaching any kind of subject related to religion or religious ideology". The school was separated from the church according to the decree. It was also prohibited to conduct religious education even at the private educational institutions.

The committee of the preservation of antiquity, art and nature memorials of Turkistan, "Turkkomstaris" founded in 1920, started its initial task mainly focusing on architectural monuments and cultural memorials.

The process of marking state, national-regional borders took place in Central Asia in 1925, and then the committee "Turkkomstaris" was renamed as "Sredazkomstaris". The main objective of the committee was to protect historical and cultural memorials where constructive maintenance was going on.

"Uzkomstaris" organized an archeological expedition under the leadership of B.N.Zasipkin to Khorazm in 1937. The team of archeologist-scientists consisted of Ya.G.Gulomov, R.N.Nabiyev, T.S.Stramtsova, and the postgraduate students of Moscow Archeology Institute – Sh.S.Ratiya and Yu.A.Yegorov. The main task of the expedition was to study memorials and traditional houses from archeological point of view, and to evaluate the quality of maintenance and reconstruction. The processes of maintenance and restoration were revived; experienced masters were enlisted to the work. During in the period from 1930 to 1940 a group of ethnography, archeology and art scientists namely L.Vororin, B.Zasipkin, L.Rempel, B.Baklanov, V.Voronina, G.Gaganov and others made researches on the history of monuments and architecture of the Central Asia. Wide scale study of architectural memorials started in the 1950s. The study of archeological memorials of Tuprokkal'a, Varakhsha, Afrasiab, Kuva, Kholchayon, Dalvarzintepa discovered the examples of the art of ancient architecture and sculpture.

References

1. Azimov, I (1986). *Farg'ona vodiysining arxitektura yodgorliklari* [Architectural monuments of Ferghana valley]. Tashkent: Uzbekistan.

2. Adhamov, O (1929) *Din ham sho'rolar hukumati* [Religion and Soviet authority]. Samarkand – Tashkent: Uzdavnashr.

3. *Kulturnoy stroitelstva v Turkestanskiy ASSR (1917 – 1924). Sbornik dokumentov.* Vol.1. [Cultural construction in Turkestan ASSR. Collected documents]. Tashkent: Uzbekistan.

4. Mirzaev, M (1994) *O'zbekistonda tarixiy va madaniy yodgorliklarni muhofaza etish va o'rganish ishining tashkil topishi va rivojlanishi (1917 – 1941)* [Establishment and development of protection and study affairs of historical and cultural monuments in Uzbekistan (1917 – 1941)]: Dissertation for the degree of candidate of the historical sciences (PhD). Tashkent.

5. Nechkin, D.I. (1926) *Zadachi i blizhayshie tseli komiteta po delam muzeev i ohrani pamyatnikov starini, isskustva i prirodi v Srednei Azii* [Issues and future purposes of the comittee for museum affeirs and protection of historical monuments, art and nature in Central Asia]. Tashkent.

6. *Pobeda oktyabrskoy revolyutsii v Uzbekistane* [The victory of the Octover revolution in Uzbekistan. Collected documents]. Tashkent: Izd-vo AN UzSSR.

7. Pugachenkova, G (1965) *Buxoroning arxitektura yodgorliklari* [Architectural monuments of Bukhara]. Tashkent: Uzbekistan.

8. Rajabov, S (1957) *O'zbekistonda sovet maktabi tarixiga doir* [The history of the Soviet school]. Tashkent: Uquvpeddavnashr.

9. Sodiqova N, Buryakov Yu. (1976) *Tarixiy yodgorliklar xazinasi* [The treasury of historical monuments]. Tashkent: Fan.

10. Sultanova, D (2015) Epigrafical Ornaments in the Architecture of Uzbekistan. *International Journal of Scientific & Technology Research*. Massachusetts, Vol. 4. Issue 07. July. – pp. 84 – 85.

11. *Syezdi Sovetov (v dokumentah). Sbornik dokumentov v 3-x tomah. 1917 – 1936.* [Soviet Congresses (in the documents)]. Moscow: Gosyurlitizdat.

12. *Farg'ona viloyati davlat arhivi* [Ferghana Province State Archive]. Fund 1160, List 1. Folding Volume 5. p. 113.

13. Муртазаева, Р.Ҳ. (ed.) *O'zbekiston tarihi* [The history of Uzbekistan]. Tashkent: Yangi asr avlodi.

14. *O'zbekiston Respublikasi Markaziy Davlat arhivi* [Central State Archive of the Republic of Uzbekistan (CSA of the RU)]. Fund R. 34, List 1. Folding Volume 122. p. 1.

15. CSA of the RU. Fund R. 34, List 1. Folding Volume 41, p. 123.

16. CSA of the RU. Fund R. 396, List 1. Folding Volume 18. p. 6.

17. CSA of the RU. Fund R. 396, List 1. Folding Volume 12. p. 9.

18. CSA of the RU. Fund R. 394, List 1. Folding Volume 13. p. 18.

19. CSA of the RU. Fund R. 34, List 1. Folding Volume 2723. p. 7.

20. CSA of the RU. Fund R. 396, List 1. Folding Volume 19. p. 38.

21. CSA of the RU. Fund R. 2296, List 7. Folding Volume 530. p. 33.

22. Qori Niyoziy, T.N. (1971) *O'zbekiston SSR moddiy madaniyat yodgorliklarini saqlash va o'rganish* [Study and protection of the material and cultural monuments in Uzbekistan SSR]. Tashkent: Fan.

Муаллиф ҳақида маълумот:

Юлдашева Дилноза Улуғбековна – Андижон давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедраси ўқитувчиси. E-mail: dilnoza35@mail.ru